

Ислом КАРИМОВ



7-8(51-52)-сон
2017 йил, июль – август

ИМОДИЙ ПАРВОЗ

О‘zbekiston davlat san’at va madaniyat institutining ma’naviy-ma’rifiy, ilmiy, axborot gazetasi



«Фидойинг бўлгаймиз сени, Ўзбекистон!»

Хурматли профессор-ўқитувчилар, талабалар, институтимиз ходимлари! Барчамизга маълумки, бу йил Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 26 йиллик байрамига тайёргарлик кўриши ва уни ўтказиш тўғрисида” ги ПК-3095-сонли қарорига мувофиқ юртимиз бўйлаб байрам шодиёналари кенг нишонланмоқда. Шу билан бирга мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, ўзгаришилар, бунёдкорлик ишлари, олий таълим тизимида олиб борилаётган янгиликлар янги ўқув ийлида улкан муваффақиятларга эришиши мизда катта куч ва иродга баҳш этади.

Бутун дунёда таҳликали вазият, миллатлараро тўқнашувлар, сиёсий ва иқтисодий инқизолар хамда турли хавф-хатарлар авж олган даврда Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг мамлакатимизга раҳбарлик қилганлари Яратганинг халқимизга кўрсатган бебаҳо марҳамати бўлди. Мухтарам юргашимизнинг букилмас иродаси, фидойилиги, мардлиги ва ватанпарварлиги, узокни кўриши ва стратегик фикрлаш қобилияти ватандошларимизни ягона мақсад сари бирлаштириди. Натижада мамлакатимиз мустақил тараққиёт йўлида кўплаб кийинчилик ва синовлардан ўтиб, тарихан қисқа даврда жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб

ўрнини эгаллади. Биринчи президентимизнинг босиб ўтган умр йўллари, мустақиллигимизни химоя қилиш ва мустаҳкамлаш борасида тарихий хизматлари барчамиз учун энг ёрқин ибрат намунаси ва катта ҳаёт мактаби бўлиб қолади.

Биринчи Президентимизнинг ишларини давомчиси, Ўзбекистонни янги босқичга олиб чиқаётган Президентимиз Шавкат Мирзиёев Миромонович томонидан амалга оширилаётган ислоҳотлар жумладан, 2017-йилни “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” давлат дастури хамда “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари

Буюк давлат ва сиёсат арбоби, ўзбек халқининг улуғ ва ардоқли фарзанди мустақил Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Абдуганиевич Каримовнинг порлоқ хотирасига багишиланади.



Мустақил Ўзбекистон давлатининг асосчиси Буюк давлат ва сиёсат арбоби, ўзбек халқининг улуғ ва ардоқли фарзанди Мустақил Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Абдуганиевич Каримовнинг улуғвор сиймоси қалб онг ва шууримизда уйғонар экан беихтиёр,

Қадр сўзи нақадар улуг, ҳаётбахишdir чексиз маъноси,
Сиз азизсиз, мӯътабар қутлуг, обод юртнинг Сизсиз асоси.
Жонимиздай Сиз азиз инсон, улугвордир ҳар ўтган лаҳза,
Хотирангиз қалбларда мудом, Сизга мангу чексиз эҳтиром.

сатрлари ҳаёлдан ўтади. Зеро ҳаётимизнинг энг ёрқин, умидбахш яратгувчилик, бунёдкорлик ислоҳотларига асос соглан бу мўтабар зотни ҳар сафар чукур эҳтиром билан ёдга олганимизда, тасаввуримизни нурафшон килувчи, жўшкин, шиддатли ҳаёт манзаралари гавдаланади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 25 январ Қарори билан эълон килинган Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуганиевич Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисидаги қарори кўп миллионли халқимизни яна бир қалқитиб ифтихор туйгуларини уйғотди. Ҳар бир кунини Ватаннинг истиқболи учун бағишиланган асримизнинг беназир асл инсони, буюк зот, ардоқларимиз баҳшида қилинган Ислом Абдуганиевич

Каримов ўзининг серқирра сиёсий фолияти, олийжаноб инсоний фазилатлари билан Ватанимизнинг кўп асрлик тарихида ўчмас из қолдирди. У нафакат юртимиз балки жаҳон миқёсида катта хурмат ва обрў-эътиборга сазовор бўлди. Ул муҳтарам зотнинг порлоқ хотираси таваллуд кунларига



Сирожиддин САЙИД
Ўзбекистон халқ шоири

ВАТАН ДЕСАМ...

Бу диёрнинг айвонлари нурга талош,
Бу диёрнинг кайвониси ою қуёш.
Ватан десам кўзимда ёш, юзимда ёш,
Кўзга суртай нонларини, нонларини.

Тирикликнинг заҳматлари, тақдирлари,
Ҳаётининг бор ҳикмат ҳам тадбирлари,
Эй, онамнинг тупроққина тандирлари,
Иситгансиз жонларини, жонларини.

Ким Ватанини зар тўнига енг этмишдир,
Ким бағрини осмонлардай кенг
этмишдир.
Яратганинг ўзи бугун тенг этмишдир
Асрларга онларини, онларини.

Бир суворий келмоқдадир — Бобурми ё?
Ҳиротми ё, Ҳиндистонми ёки Кўнё,
Кўриб келди, бундан сўнг ҳам кўрсун дунё
Султонлари, хонларини, хонларини.

Бу диёрнинг айвонлари нурга талош,
Бу диёрнинг кайвониси ою қуёш,
Ватан десам кўзимда ёш, юзимда ёш,
Кўзга суртай нонларини, нонларини.

Нечун ўтмоқ ҳасад экиб умрларга,
Дилни ўраб гараз, риё — кўмирларга?
Ҳавас қилиб яшанг улуғ Темурларга,
Эл билгайдир шонларини, шонларини.

бўйича ҳаракатлар стратегияси” эса мамлакатимиз тараққиётида муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда. Ана шу бажарилаётган ва бажарилиши лозим бўлган ислоҳотлар мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, кучли билим, улкан шижаотимиз илиа мустақиллигимизни абадий бўлишида ўз хиссамизни кўшайлик!

Мустақил Ўзбекистонимизнинг 26 йиллиги хамда Курбон ҳайити билан муборакбод эта-ман. Оилангизга тинчлик, хотиржамлиқ, Ватан тараққиёти учун хизмат қилишдек шарафли касбингизга содиқлик ва меҳр-муҳаббат тилайман.

ЎзДСМИ ректори в.в.б Г. ХАЛИҚУЛОВА

бағишилаб маънавий-маърифий кечалар, “Обод юртнинг оташин сўзи” деб номланган бадиий сўз танловларини ўтказганимизда профессор-ўқитувчилар, талабалар дилларида ифтихор туйгулари, соғинч ёшларини хис этдик. Кунлар, ойлар, йиллар ўтар аммо Ислом Абдуганиевич Каримовга бўлган соғинчимиз оловланиб, улар қолдирган буюк бунёдкорлик ишлари кўз ўнгимизда баланд төғ қояларидай гавдаланади. Биринчи Президентимизнинг (руҳлари шод манзиллари обод бўлсан). Оламшумул бунёдкорлик ишлари қаторида санъят ва маданиятимизнинг юксалиши учун катта меҳр, эътибор ишонч билдирганларини ифтихор билан ифода этамиз. Кўзни кувонтиргувчи муҳташам санъят масканлари, театрлар, саройлар қаторида институтимизнинг яратилишида ҳам уларнинг кўрсатган ғамхўрликларини

(Давоми 2-саҳифада)

СОЛНОМА

• 2017 йил, 11-13 апрель кунлари Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти “Санъат ва маданият таълими: инновацион жараёнлар, изланишлар, натижалар” мавзуидаги профессор-ўқитувчиларнинг анъанавий илмий-назарий ва амалий конференцияси бўлиб ўтди.

• 2017 йил, 20 апрель куни “Ёшларни маънавий оламини юксалтириши, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашида маданият ва санъатнинг ўрни” мавзусидаги Ёш тадқиқотчиларнинг Республика илмий-амалий ва назарий конференцияси ўтказилди.

• 2017 йил, 17 май куни Магистратура бўлими талабалари ўртасида “Санъат ва маданият масалалари ёшлар нигоҳида” мавзуидаги В илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

• 2017 йил, 24 май куни Ўзбекистон хотин-қизларининг “Олим” уюшмаси ташаббуси билан иқтидорли, фидоий хотин-қизларнинг илмий изланишини қўллаб-қувватлаш ва разбатлантириши мақсадида “Илм юлдузлари” интеллектуал кўрик-танлови ўтказилди.

• 2017 йил, 5 июндан-17июнгача институтда “Очиқ эшиклар куни” ва “Талаба-ёшлар ижодиёти” фестивали салкам бир ой давомида талабаларнинг ижод маҳсуллари муҳлислар эътиборига ҳавола қилинган бўлиб, ҳакамлар хайъати ижро маҳорати, мавзунинг долзарблиги, бадиийлик, оригиналлик каби мезонлар орқали очиқ овоз бериш ўйли билан ҳар бир номинацияга лауреатларни аниқлаб берди.

• Ҳар бир тақдирланувчи голиб лауреатлик дипломи ҳамда пул мукофотлари билан разбатлантирилди. Кечага ташириф буюрган Ўзбек Миллий академик драма театри директори Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Фатхулла Маъсудов ўзининг табрик ва дил истакларини билдириди. “Элдидо” гурӯҳининг хушовоз хонандалари ўзининг дилбар қўшиқлари билан кечага файз киритдилар.

• 2017 йил, 9 июнь куни Ўзбекистон Миллий матбуот маркази ҳамкорлигига “Ёшларнинг маънавий оламини юксалтириши ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашнинг долзарб муаммолари” мавзуидаги матбуот анжумани бўлиб ўтди.

• 2017 йил, 20 июнь куни Ўзбекистон Республикасининг “Давлат хокимияти ва бошқарув органлари очиқлиги тўғрисида”ги Қонуни талабларидан келиб чиққан ҳолда вазирликнинг “Олий ва ўрта маҳсус таълим тизимида Ахборот хизматлари фаолияти самарадорлигини оширишига доир қўшимча чора-тадбирлар ҳақида”ги 2017 йил 11 марта даги 136-сон буйргуги ижросини таъминлаш мақсадида “Замонавий бадиий таълим: муаммо ва ечимлар” мавзусида брифинг ўтказилди. Брифингни институт ректори Б. Сайфуллаев олий борди.

(Давоми.
Боши I-саҳифада)

хис этамиз. Барча шароитлар муҳайё ажойиб ўкув бинолари, ўкув театримиз ёш авлоднинг ҳеч кимдан кам бўлмаган даражада илм олишлари ҳамда ижод килишлари учун муҳайё қилинган. Шундай шароитда илм ва ижод, таълим тарбия, маънавият ва маърифатга бор акл иродамизни сафарбар қилимиз келади. Биз ҳар куни, ҳар сонияда турли сабаблар билан уларнинг муборак номларини эсга олар эканмиз, бу буюк зот билан 2005 йил август ойида менинг ва институтимиз жамоаси ҳаётида энг зиёбахш лаҳзалари кўз ўнгимизда гавдаланади.

Маънавият, таълим тарбия, санъат ва маданият истиқболига катта имкониятлар очган, ҳар биримизнинг тинч осуда ҳаётимизнинг меъмори Ислом Каримов айтган ҳар бир сатр аклимизга нур, юракларимизга қувват, мақсадларимизга кудрат бағишлади. Юртбошимиз ўша йили институтимиз учун берилган янги бинога ташрифларини бутун институтимиз жамоаси катта кўтаринкилик, ҳаяжон ва орзишиби-

Бобур ҳаёти ҳақидаги адабий парчалар танланиб таҳлил қилинади ва улар устида ишлаб турли тадбиirlарга олиб чиқишимиз, — деб кисман маълумот бердим.

— Айтингчи, бизнинг театрларимизда хам қаратса тилемизни асрараш унинг том маънода миллатимизни улғайтирувчи, бирлаштирувчи салоҳияти ҳақида атрофлича гапирдилар. Бу учрашув ҳаётимдаги баҳти сурурли



2 сентябрь — Ислом Каримов хотираси куни

лан кутган эди. Ўшанда у буюк зот билан юзма-юз яқиндан сухбатда бўлиш баҳтига мусасар бўлганман. Юртбошимиз ҳамда давлатимизнинг нуфузли раҳбарлари билан “Саҳна нутқи” ўкув хонасига дадил ва қизиқиши билан кириб келдилар ва:

— Қани сиз билан сухбатлашайлик, — деб кўл узатдилар. Мен бу лаҳзаларни ҳаётимининг энг қимматли, шу билан бирга энг катта синов онлари деб биламан.

— Таширифингиз театр ва кино санъати учун этиборингиздан чукур миннатдорлигимизни билдиришдан баҳтламиз, — деган гаплар дилмидан ўтди, аммо айтишга журъатим етмади.

У киши мендаги ҳаяжонни илғаб,

— Сизга бир қанча саволларим бор, Республикаимизда миллатни бирлаштирадиган ягона соф адабий ўзбек тилини мустаҳкамлашда, Навоий бобомиз тилини ёшларга англатиш сингдиришда бизга ким ёрдам беради, — дедилар.

Мен — ўкув гурӯҳларида мумтоз адабиётимизнинг саралланган нодир асарлари талабаларга имкон қадар ўргатилади. Фазаллар, рубоийлар ва тарихий қаҳрамонларимиздан Спитамен, Жалолиддин, Соҳибқирон, Широк, Тўмарис, Навоий,

Мен бир вақтнинг ўзида лол ва ҳайратда эдимки, давлатимиз раҳбарининг шунчалар тигиз, тинимиз ишлари, сиёсий, иқтисодий масалалардаги доимий эътибори қаторида она тилемизнинг соф адабий тилдаги ифодаси ҳақида хам атрофлича чукур кайғуришларига тасаннолар дегим келди, аммо дилдаги гап доим хам тилга кўча олмайди.

Мен — Мутлако бунга йўл кўйиб бўлмайди, саҳнанинг, сўз санъатининг хам бадиий ифодавий таъсирчанлик талаблари бор, агар унга хилоф бошбошдоқликка йўл кўйилса

*Бугун ҳалқим эрта тонгдан, турна қатор чиқди кўчага.
Кўлларида гулу, рўмопча, видо учун азиз отага.*

*Бугун қайгу буқди қаддимиз, жудо бўлдик буюк инсондан.
Алвидо дер озод наслингиз, сиз кетарсиз обод макондан.*

*Давримизнинг буюк инсони, юракларга жонидай яқин.
Йиглаб қолди Ўзбекистони, осмонларни йиртгандай чақин.*

*Таъзияда кўп узоқ эллар, мотамсаро юрак парчаси.
Сиз бошлаган улугвор йўллар, азим юртнинг порлок эртаси.*

*Руҳингизни шод этсин абад, Сиз қолдирган эзгу амаллар.
Охират ҳам бўлсин дер обод, дуолардан ясаб гулчамбар.*

Исоктой ДЖУМАНОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мурабайиси,
«Саҳна нутқи» кафедраси доценти

ТАБРИКЛАР

Т.ФАЙЗИЕВ, Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази директори:

— Институт жамоасини мамлакатимиз мустақиллигининг 26 йиллик байрами билан муборакбод этамиз. Мамлакатимизда оламшумул туб ислоҳотлар амалга оширияпти шу билан биргаликда таълим тизимида ҳам. Биз жамоамиздаги барча профессор ўқитувчиларни ушбу ислоҳот борасида олиб бораётган ишларида зафарлар тилаб қоламиз.



З.АБДУҒАНИЕВА, АРМ раҳбари:

— Азиз, ҳурматли институтимиз жамоаси! Сизларни барчангизни Ватанимиз тарихидаги буюк ва бетакрор сана — мустақиллигининг 26 йиллиги билан самимий қутлайман. Сизларга мустаҳкам соғлиқ, фаровон ҳаёт, оиласвий баҳт, Ватанимизнинг гуллаб-яшинаши йўлидаги бунёдкорлик ишларингизда улкан зафарлар тилайман.

М.АБДУЖАББОРОВА,
Магистратура бўлими бошлиги:



— Азиз устозлар, қадрли талабалар!

Сизларни Республикашимиз Мусақиллик байрами билан чин қалбимдан муборакбод этаман. Қолаверса санъат ва маданият соҳасининг ривожланишида қилинаётган меҳнатингизга омадлар тилайман. Сизга ва сиз орқали барча оила аъзоларингизга сиҳат-саломатлик ва баҳт-саодат ёр бўлсин! Ҳар доим Ватанимиз осмони мусаффо бўлсин, тинчли-тотувлик, дастурхонларимиз тўкин-сочин бўлсин!

Талаба дастхати

Баъзан хаёллар оғушига кўмилиб кетганимда ўйлаб қоламан. Ҳар бир фаслнинг ўзига хос таровати, ўзига хос жислоси бор. Биласизми, фаслларнинг бирин-кетин алмашиниши гўзал бир жозибаликни, бетакрорликни кўрсатади. Ҳеч эътибор берганмисиз? Бизнинг юртимизда тўрт фаслнинг ўз ўрнида келишига. Бошқа юртларда эса ундаи эмас. Ёз фасли кўпроқ бўлса, қиши эса камроқ бўлади. Улар баҳор фаслидаги дараҳтларнинг куртак очишини, биринчи бойчечак ва лолақизгалдоқларнинг ажисбифорини кўрмайдилар. Қаранг, биз нақадар баҳтимиз. Ҳар сонияда, ҳар куни ҳар йилда фасллар бетакрорлигидан завқланамиз, уларнинг келиши-ю кетишини ўз кўзимиз билан кўриб кузатамиз ҳам.

Мана қаранг, ёз жазирама иссиғи-ю гарқ пишган мевалари билан гўзалdir. Кузда эса бошқачароқ. Дараҳтлар олтинранг либосида кўзни қамаштирадиган дараҳсада жудаям чироили бўлиб кетади. Шамолнинг дараҳт баргларини учирив тебратишни, худди майин мусиқа янгарганидек бўлади гўё. Нақадар бетакрорлик шунда эмасми?

Шу сонияда, бу ўлқада тугилганимдан шукроналар айтгим келади. Кўзимни очиб қуёшини кўрганимда, бўлбулларнинг хонишини эшиганимда, БАХТ ни яна бир бор ҳис этаман.

Бундай бетакрор манзарани бошқа ўлқада учратганимисиз тенгдошим? Ҳар бир сониямизнинг қадрига етиб яшамогимиз, бугунги кун эртага мақроланмаслигини унумаслигимиз керак. Зоро, ҳар нарсани вақтида ҳис этиб яшайлик, шунда бу дунёда арзирли ши қилган бўламиз.

Нигора РАЖАБОВА,
«Фольклор этнографик жамоалари раҳбарлик»
бўлими 4-босқич талабаси

САҲАР ВАҚТИ ЧАМАН ИЧРА

Ўшал бўлбўл қилар афғон,
саҳар вақти чаман ичра,
Қўнар гул деб тикан узра,
саҳар вақти чаман ичра.

Қилар бағрини бўлбўл қон,
тикан узра берай деб жон,
Бўлур гул завқидин қурбон,
саҳар вақти чаман ичра.

Ўшал бўлбўл бўлур дөглар,
чаманни гашт этиб чорлар,
Кизил гулни тилаб йиглар,
саҳар вақти чаман ичра.

Чиқар бўлбўлни афғон,
Чаман ичра оқиб қони,
Тасддиқ гул учун жони,
саҳар вақти чаман ичра.

Муҳаббат бирла маст эрди,
ани йўлида жон берди,
Кизил гулдин хабар сўрди,
саҳар вақти чаман ичра.

Муассар бўлса ул жеонон,
ато қилса ўшал субҳон,
Йўлида жеон қилас қурбон,
саҳар вақти чаман ичра.

Ибрати бехабар бўлма
яна гафлат билан ўлма,
Гуноҳи беадад қилма,
саҳар вақти чаман ичра.

Ўқингиз, илми ҳикмат сизга, бу ши катта Ибратдур,
Агар илм ўрганурсиз барча шида сизга нусратдур.
Агар илм ўлмаса, нодон умри барча кулфатдур,
Бу ашёи жадиди мубаддини асли ҳикматдур.
(“Тарихи вагон Исҳоқхон Ибратдин”)

Исҳоқхон тўра ИБРАТ (1861-1937)

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2016 йил 2 ноябрь куни Наманган вилояти сайловчилари билан учрашувда Исҳоқхон Ибрат ҳақида алоҳида тўхталиб, у кишига атаб замонавий боф яратиш, ёдгорлик мажмуаси ва “Ибрат мактаби”ни ташкил қилиш ташаббусини баён этдилар.

Исҳоқхон тўра Ибрат 1861 йилда Наманган яқинидаги Тўракўрон кишлоғида туғилган. Унинг отаси сохибкор боғбонлардан бўлиб, «Ходим» таҳаллуси билан шеърлар ёзган. Онаси Хурибиби қишлоқ қизларини ўқитган. Ибрат дастлаб қишлоқ мактабида, сўнгра онаси кўлида таҳсил олди.

XIX асрда Исҳоқхон тўра Ибрат араб, форс, рус, хинд, урду, инглиз, француз тилларини яхши билган, қадимий финикия, яхудий ва юонон ёзувларини ўрганганд. Билимини бойитиш мақсадида дунёнинг кўплаб мамлакатларида бўлиб, турли халқлар тарихи ва маданиятини тадқик қилган, Шарқ ва Фарб илм-фани, маданияти ва санъати билан яқиндан танишган. Дунё тамаддунининг илғор маданияти, фан ва техника янгиликларидан юртдошларимиз ҳам баҳраманд бўлиши йўлида сидқидилдан меҳнат қилган.

— Улуғ ажодимиз Ибрат таҳаллусини ўзига бежиз танламаган, — деди Президентимиз. Унинг Ватан ва юрт тараққиёти йўлидаги фидокорона ҳаётини нафакат ўз даврида, балки бугунги кунда ҳам барчамиз учун ҳақиқий ибрат намунаси бўлиб қолмоқда.

СОЛНОМА

- 2017 йил, 07 июлда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 22-23 июнь кунлари Фарғона вилоятига ташрифи давомида берилган топшириклар ва кенгайтирилган тарзда ўтказилган мажлис баёнига мувофиқ, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Фарғона минтақавий филиали ташкил этилди. Фарғона минтақавий филиалининг директори этиб Шамсиддин Усмонов тайинланди.

- 2017-2018 ўқув йили давомида институтнинг Халқаро алоқалар бўлими ҳамкорлигидага 2017 йилнинг биринчи ярмида 13 нафар ЎзДСМИ ходими чет элда хизмат сафарида бўлди, 17 нафар хорижий меҳмонлар ЎзДСМИга ташриф буюрди.

- 2017-2018 ўқув йилида ЎзДСМИдан хорижий ҳамкор таълим ва илмий муасасаларга малака ошириш, стажировка ўтиш, докторантурда ва магистратурада ўқишга юбориладиган номзодлар тайёрланмокда. Келаётган йилнинг март ойларида Жанубий Кореядаги Осиё маданият марказига Чолғу ижрочилиги кафедраси профессори Ўразали Тошматов, Чолғу ижрочилиги кафедраси ўқитувчиси Хуршид Бекназаров ва Фольклор ва этнография кафедраси мудири Ойгул Ахметоваларни ўқишга юбориш режалаштирилган.

- 2017 йил 5 июлдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаролиятини кўллаб-куватлаши тўғрисида”ги ПФ-5106 фармонига мувофиқ, ёшларга оид давлат сиёсатини изчил ва самарали амалга ошириши, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-куватлаши, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиши тизимини тубдан ислоҳ этиши мақсадида Ўзбекистон “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати негизида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилди. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил топган кун – 30 июнь санаси мамлакатимизда “Ёшлар куни” сифатида ниишонланади.

- 2017 йил 8 август Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан 10 августдан Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ректори Б.С. Сайфуллаев Маданият вазири ва бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон Давлат консерваторияси ректори этиб тайинланди.

- 2017 йил 11 августда Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ректорлик вазифасини вақтингчалик бажарии Илмий ёшлар бўйича проректор Г.Халиқулова топширилди. Ўқув ёшлар бўйича проректорлик вазифасини вақтингчалик бажарии эса Ўқув бўлими бошлиги А.Ўрозовга юклатилди.

Эй фарзанд билгинки, то киши тирик экан,
дўстсиз бўлмас. Дўстсиз бўлгандан кўра биродарсиз
бўлган яхшироқдир. Дўста ҳадя бергн, яхшилик
қилгин. Кимки дўстларни ёд этмаса, дўстлар
эсдан чиқарадилар. Ҳар кишининг дўсти кўп бўлса,
айлари сир тутилади, фазилатлари кўпаяди. Янги
дўст топганда эскисини унумтманг.

Дўст тутмокъ зикрида

Шундай одамлар борки, сен билан
дўст тутинадилар ва ўзлари эса ярим
дўст ҳолатидаги бўладилар.

Бир куни Искандардан сўрадилар:
— Бунча оз сармоя билан қандай
килиб бу қадар катта мамлакатни
кўлга киритдингиз?

— У жавоб берибди. “Раҳмдиллик
ва аҳд қилиб сўз бериш йўли билан
дўстларни йўлга солдим”, — деб
жавоб берибди.

Дўстларнинг дўстлари хам
дўстларингдир. Агар дўстинг сенинг
душманингни севса, бундай дўстдан
эҳтиёт бўл, чунки у душман тарафидан
бўладиган ёмонликка шерик бўлиши
мумкин. Сенинг дўстингга душман
бўлган дўстдан хам узоқ бўл.

Агар дўстинг сендан сабабсиз гина
қиласа, унинг дўстлигидан таъма қила.
Жаҳонда ундан ёмонроқ одам йўқ.

Жаҳонда айбисиз одам бўлмас, сен
мурувватли, салоҳиятли бўл. Мурув-
ватсиз, саҳоватсиз кишини дўст тутма,
бундай киши хосиятсиз бўлади. Улар
нон дўстларидир, ор-номус дўстлари
эмас. Яхшиларга кўнгул билан
ёмонларга тил билан дўстлик қил. То
икки тоифанинг хам қолмасин. Чунки
зарурат юзасидан кишининг ҳожати
душманларга хам тушади.

Ақлсиз одам билан асло дўст тут-
тинмагин. Ақлсиз дўст ақлли душ-
мандан ҳам ёмонроқдир. Чунки ақлсиз
дўст шундоқ иш қилурки, ақлли душ-
ман уни кила олмас.

Бемурувват, меҳр-шавқатсиз, ху-
нарсиз, илмсиз кишилар билан ўтира-
ма. Улар билан ўтиргандан кўра тан-
холик яхшидир.

Одамларнинг яхшилари яхшиликни
яхши қилғувчи, дўстликка лойик одам.
У дўстига кийинчилик етган вактда
кудрати етгунча молини аямайди.
Дўсти бу дунёни тарк этгандан сўнг
хам унинг фарзандларига яхшиликлар
килади, дўстига дуолар ўқиди.

Дўстлигинг хам ўртача бўлсин, дўст-
тим кўп деб барчасига умид кўнгил
билан қарамагин. Уларни қашшоқ
бўлиб имтиҳон қил. Дўстинг сенинг
душманингни душман деб билмаса,
уни дўст дема.

Агар қашшоқ бўлсанг, молдор дўст
талаб қилмагин, чунки қашшоқни ҳеч
ким дўст қилмайди. Ўзинга лойик
дўст ахтаргин, агар сен бой бўлсанг,
қашшоқликни дўст тутавер.

Таъмагир одам дўстига хам таъ-
магир бўлади. Ундейлардан узоқ юр.
Чунки у кекчи бўлади.

(«Хикматлар» китобидан)



Бир куни инситутда бир талаба хушидан кетиб қолибди,
— Домласи талабани олдига келиб, хой сув олиб келинглар деса, талаба
бошини кўтариб, нон ҳам қўшиб келишсин! — дермиш.

— Бугун шифохонага бордим....

Ҳамишира қиз эртага эрталаб соат 8:00 да оч қоринга келинг деди.

— Менимча, нонушишага таклиф қилмоқчи...

— Жўду ҳаяжондаман.

- Сен қаерга ўқишига кирдинг?
- Тиббиёт институтига.
- Аъло.
- Мен ветерания институтига.
- Ўқишини битириб олсан, бир-биримизни
даволаймиз-а?



Профессор:

— 1565 йили нима бўлган?

Талаба:

— Шекспир тутмилан.

Профессор:

— 1566 йилда-чи?

— Шекспир бир ёшига тўлган.

Профессор талабага ҳайрон боқиб:

— Нега бунча қалтирайсиз? Мен бермоқчи бўлаётган саволлардан қўрқяпсиз-
ми?

— Йўқ, уларга бермоқчи бўлаётган жавобларимдан қўрқяпман...



Муассис:

Ўзбекистон давлат санъат
ва маданият институти

Таҳир хайъати:
Гўзал ХОЛИҚУЛОВА
Хамдом ИСМОИЛОВ
Антонино КОШЕЛЕВА
Рашид УСТАНОВ
Нафиса РАЙМҚУЛОВА
Хуршида ФАЙЗУЛАЕВА
Мухаррам БОЗОРОВА

Масъул кобит:
Шавкат ДЎСТМУҲАММАД

Таҳририят манзили: 100025 Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Ялонҷон мавзеси, 127 А уй.
Тел.: +99890 374-24-25; +99871 230-28-13
www.dsni.uz; dsni_info@olam.uz

Газета ҳар ойнинг охирги ҳафтасида «NISO POLIGRAF» МЧЖ босмахонасида чоп этилади.
Манзил: Ўрта Чирчик тумани, Оқ ота ҚФЙ, Машъаль маҳалласи, Марказ – 1.

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошкармасида № 02-00166 раками
билин 2012 йил 19 декабрда рўйхатга олинган.

ШУНДАЙ ЮРТДА ТУГИЛМОҚ БАХТ

Шундай юртда тугилмоқ бир баҳт,
Бобоқуёши бор меҳрин сочган.
Зулмат аро тортиб пардани,
Баҳт қасрига эшигин очган!

Шундай юртда тугилмоқ бир баҳт,
Инсон қадри ҳар недан устун.
Юксакликка интилсак мудом,
Халқим, сени қўллайди бу кун!

Шундай юртда тугилмоқ бир баҳт,
Талпинади унга кенг дунё.
Маърифатнинг булогин очган,
Кўҳна Кеш-у, Тошкент, Бухоро!

Шундай юртда тугилмоқ бир баҳт,
Меҳнат ила томлидир оши.
Ер юзига зиё таратган,
Ўзбекистон - жаннат қуёши!!!

Бобур УБАЙДУЛАЕВ,
“Маданият ва санъат муассасаларини ташкил
этиши ва бошқарши” йўналиши 2-босқич
талаабаси

Дилдаги гаплар

Ҳаётдан қоникиш учун сабр-қаноатли бўлиш, ҳеч қачон умидсизликка
тушмаслик ва баднафс бўлмасликни унумтма.

Инсонни нолойик шуҳрат, беҳисоб мол-мулк, самарасиз ўтказилган умр
хароб қиласди.

Кимгadir бевафолик қилиш осон кўчгани билан, унинг виждон
олдидаги сўроғи мушкулдир.

Эртага бир гап бўлар деб борлиқдан қўл силташ ожизликни исботиз
қўринишидир.

Нигоҳ борлиқни илғаб олгани билан уни идрок этиш ақлга боғлиқ.

Бўлар-бўлмасга нолийдиган кимсанинг иймони хам шунга ярашадур.

Бирорни ҳурмат қилсанг, бунинг оқибати шу дақиқада ўзини намоён
этишини эсада тут.

Кимгadir жафо қилиб, бундан хузурланувчиларнинг ҳеч қачон бири икки
бўлмайди.

Инсон нечоғлик бадфеъл бўлмасин, унда шунга яраша ибратли
хислатлар борлигини ҳамма ҳаммалангайтади.

Мехмоннинг уст-боши ва қўлига қараб муомала қилиш, унинг юзига
тарсаки тушириш билан баробардир.

Инсонга баҳо бергандага ялтироқ кийими, зеби-зийнатини тарозига
кўймай, унинг ақл-идроқини суриштирган маъқул.

Эркин РАҲИМОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист,
“Вакал” кафедраси доценти